

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

444 Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2475-1

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январдаги ПҚ–1910-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 27 майдаги 2013-26-сон қарори (рўйхат рақами 2475, 2013 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 349-модда) билан тасдиқланган Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-бандидаги «(рўйхат рақами 565, 1998 йил 17 декабрь)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 2687, 2015 йил 22 июнь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 10 август,
2015-27-сон

444, 448-моддалар

— 92 —

33 (689)-сон

Келишилган:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2015 йил 10 август

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2015 йил 10 август

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2015 йил 10 август